



Image not found or type unknown



Ибн Манзур ушбу асарини таълиф қилиш сабабини қуйидагича изоҳлаган экан: **«Мен ушбу луғат китобини тузишда Пайғамбар тилининг негизини сақлашдан бошқа нарсани мақсад қилмадим. Чунки араб тили Қуръони карим ахкомлари ва набавий суннатни ўзагини ўзида жам қилгандир. Китобни ёзаётган пайтимда мазкур тил эгалари бошқа тилни ўрганиш билан фахрланишар эди. Мени бу ишни амалга оширишим, худди қавми масхара қилишига қарамасдан, Нух алайҳиссаломнинг кема ясаганига ўхшаш ҳолат эди».**




«Лисанул араб» изоҳли луғати ҳақида жумладан, Заркалий шундай дейдилар: **«Ҳеч бир мулоҳазасиз, ушбу асар араб тилининг энг машҳур изоҳли луғатларидан, дея эътибор қилинади. Ўзида луғат борасидаги она китобларни жамлаган. Ҳажми улкан, кўплаб нодир маълумотларни яъни, Қуръони карим, ҳадиси набавий ҳамда араб мумтоз шеърятдан кўплаб мисоллар келтирилган асардир».**

Ибн Манзур Қоҳирада таваллуд топган. Лекин, Тараблус ёки Ҳафса шаҳрида туғилган деган фикрлар ҳам бор. У зот Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларидан Собит ал-Ансорийнинг авлодидан ҳисобланади. Ибн Манзур Абдураҳмон Туфайл, Муртазо ибн Хотим каби олимлардан дарс олганлар. Қоҳирада котибиятда ҳам ишлаган, Тараблус

(Ливия) шаҳрининг бош қозиси ҳам бўлиб хизмат қилган.

Image not found or type unknown



Ибн Ҳожар Асқалоний у киши ҳақида: «**Йирик-йирик баёнларни кичик ҳажмдаги мўъжаз шакллари тартиблаб, тузиб чиқиш борасида ўзига хос иқтидори билан ажралиб турарди**» деганлар.

Шак-шубҳасиз, Ибн Манзурнинг энг машҳур асари бу, 20 томлик «Лисанул араб» - Араб тили» изоҳли луғатидир. Ушбу луғат ўзидан аввалги 5 та луғат китобларини жамлаган бўлиб, улар: Ибн Сидонинг «**Ал-Мухкам**», Ал-Жавҳарийнинг «**Ас-Сиҳоҳ**», Ибн Борийнинг «**Ҳошия ас Сиҳоҳ**» ва Ибн Асирнинг «**ан-Ниҳоя**» асарларидир.

Олим кексалик ёшига етиб, Қоҳирага қайтиб келиб истиқомат қилган, вафотидан бироз олдин кўзлари ожиз бўлиб қолган. Ҳижрий 711 йилнинг шаъбон ойида, милодий 1311 йилда вафот қилган.

«**Лисанул араб**» қайта ва қайта нашр қилинган асар бўлиб, ҳозирга қадар энг талабгир, араб тили бўйича энг кўп мурожаат қилинадиган китоблардан биридир.

Бобур Аҳмад.